

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг тенгдошлари



16:31 / 20.12.2025 1111

Илм олиш ва илмий фаолият кўрсатиш давомида имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи ўша даврнинг кўзга кўринган уламолари билан дўст-биродар, ҳамдарс ва шерик бўлганлар. Улардан баъзиларини эслаб ўтиш ҳам у зотнинг кадр-қимматлари қанчалик улуғ эканига далил бўлади, деган умиддамиз.

Имом Абулҳасан Алий ибн Саид Рустуффоний

Бу зотнинг асли Самарқанд қишлоқларидан бири Рустуффондан бўлиб, катта машойхлардан ва имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг яқин дўстларидан бўлганлар. У киши фикҳ илми ва унинг усули бўйича катта олимлардан саналганлар.

Имом Абулхасан Алий ибн Саид Рустуғфоний раҳматуллоҳи алайҳи бир неча китоблар тасниф қилганлар. Жумладан, «Иршодул мухтадий» ва «Завоид ва Фавоид» китоблари у зотнинг қаламларига мансубдир.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Маслама ибн Абдуллоҳ ибн Муғийра ибн Амр ибн Авф Аздий

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг бу тенгдошлари сомонийлар давлатининг амирларидан бири Наср ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон даврида Самарқанднинг қозиси бўлганлар. У киши ҳижрий 268 санада рабиъул охир ойида вафот этганлар.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий

«Тожут-тарожим» ва «Фавоидул баҳийя» китобларида у кишининг Мотуридийнинг табақасидан экани айтилган. У зотнинг «Маъолимуд-дин» ва «Родду ъалал Карромия» номли китоблари ҳам борлиги таъкидланган.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг устозлари, шогирдлари ва сафдошлари ҳақидаги маълумотлар у киши туғилиб ўсган, яшаган ва илмий фаолият олиб борган муҳит катта уламоларга, илмий изланишларга бой давр бўлганини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

«Ҳидоят имоми» китоби асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 11 декабрдаги 03-07/9264-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.